



**Мохира МАҚСУДОВА**  
катта илмий-ходим изланувчи  
Тошкент давлат шарқшунослик институти  
[sharqturkiyot@mail.ru](mailto:sharqturkiyot@mail.ru)

### “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ АЙРИМ МАҚОЛЛАРНИНГ РУСЧА ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИ ХУСУСИДА

Мақола Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қўлланган мақоллар таржимасини ўрганган. Унда чет тилларга, хусусан, рус ва инглиз тилларидаги таржималарнинг афзалликлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Тадқиқот материали сифатида Р. Данкоф ҳамда С. Иванов амалга оширган таржималарга муурожаат қилинган.

В статье рассматривается перевод пословиц, которые были использованы в произведении "Кутадгу билиг" Юсуфа Хас Хаджиба. Речь идет о некоторых особенностях и преимуществах переводов на иностранных языках, в частности, на русском и английском языках. Материалом для исследования служат проанализированные переводы Р. Данкофа и С. Иванова.

The article refers to the translation of proverbs, which were used in the work “Kutadgu Bilig” by Yusuf Khas Hajib Balasaguni. This article is about some of the features and benefits of remittances in foreign languages, particularly in English and Russian languages. Analyzed translations of R.Dankoff and S.Ivanova are used as the material for the research.

**Калит сўзлар:** мақол, услуб, бадиий таржима, таржимон маҳорати.

**Ключевые слова:** пословица, стиль, художественный перевод, мастерство переводчика.

**Key words:** proverb, style, literary translation, interpreter skills.

Юсуф Хос Ҳожибнинг XI асрда яратилган “Қутадғу билиг” асари туркий халқларнинг илк адабий-қомусий ёдгорлигидир. У XIX аср охиридан бери дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб келмоқда. Илк марта инглиз тилига Чикаго университети профессори Роберт Данкоф “Wisdom of Royal Glory” номи остида 1983 йилда нашр қилган(1, 281). Рус тилига эса 1983 йил С. Иванов томонидан “Благодатное знание” номи остида [www.journal.fledu.uz](http://www.journal.fledu.uz)

таржима қилинган(1, 556). Асарнинг ҳар бир таржимаси ўзига хос услубга эга.

Юсуф Хос Ҳожиб асарнинг бадиий-ғоявий хусусиятини таъминлаш мақсадида кўплаб халқ мақолларидан маҳорат билан фойдаланган. Қуйида “Қутадғу билиг”да қўлланган баъзи халқ мақолларининг таржималари хусусида фикр юритамиз. Хусусан, “Ойтўлди Кунтуғдининг хизматиға кириши” бобида бег хузурига борган ақл-идрокда тенги йўқ Ойтўлди ўз иқтидори, заковати билан сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлайди. Заковатли, билимли, юмшоқ феълли бек экан, билимли қадрини билимли билади деб қуйидаги мақолни келтиради:

*Bilig qadrini ham biliglig bilir*

*Guhar qadrini ham guhar-oq bilir* (6, 128).

Мазмуни:

'Билимнинг қадрини ҳам билимли билади,

Гавҳар қадрини ҳам гавҳар(шунос)гина билади'.

Билим ва заковат қадрини ҳамма ҳам билавермайди. Зар қадрини заргар билгани каби, билим ва заковат қадрини ҳам билимли, доно билади.

С. Иванов таржимасида қуйидаги тарзда ўз аксини топган:

*Лишь мудрый и ведает цену познаниям,*

*Почтенье к ученью даруется знанием* (4, 68).

Таржимон мақолнинг биринчи қисмидаги “Билим қадрини доноларгина билиши” ҳақидаги мисраларга урғу қаратган ва таржимада шу фикрни бериш билан чекланган. Мақолнинг кейинги қисми яъни “Гавҳар қадрини ҳам гавҳар(шунос)гина билади” таржимада тушиб қолган. Мақолнинг биринчи қисмидаги *Билимнинг қадрини ҳам билимли билади иккинчи қисмдаги Гавҳар қадрини ҳам гавҳар(шунос)гина билади* га қиёсланиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Р. Данкоф бу мақолни инглиз тилига қуйидагича ўгирган:

*The price of wisdom*

*Is known to the wise,*

*The jewel of wisdom*

*Only fools despise* (1, 55).

Таржимон мақолларни назмий йўлда таржима қилган. Бунда *bilig*(билим) *wisdom* тарзида берилган. Таржимон *bilig* сўзини *wisdom* яъни *донолик*, *доншумандлик* деб таржима қилган. Бунинг ўрнида инглиз тилида кенг истеъмолда бўлган *knowledge* лексемасини қўлласа ҳам бўларди. Ёки кейинги мисрадаги *Гавҳар қадрини ҳам гавҳар(шунос)гина билади*. *Донолик*

гавҳаридан ақлсизларгина нафратланади, қадрига етмайди тарзида таржима қилган. Мақолни қуйидагича таржима қилса ҳам бўлади:

*The price of knowledge*

*Is known to the wise,*

*The price of jewel*

*Is known to the jeweller.*

Аммо таржимон шеърий парчалардаги мос қофияларни топиш мақсадида, яъни биринчи мисрадаги *wisdom* сўзи учинчи мисрадаги айнан шу сўз билан, *wise* ва *despise* сўзларидан фойдаланган. Баъзан инглиз тилида асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда мос қофия топиш қийин. Р. Данкоф эса бу мураккаб вазифанинг уддасидан чиқа олган.

Таржима қилиш жараёнида таржимондан катта маҳорат талаб этилади. Қофиядош сўзлар *wise* (доно, билимли), *despise* (нафратланмоқ, жирканмоқ) ҳам ўринли танлаган. Булар эса мақол таржимасининг бадиий жилосини таъминлаган. Аммо С. Ивановнинг таржимаси каби у ҳам мақолнинг биринчи қисмига урғу берган ҳалос.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ахлоқий-тарбиявий фикрларини мақоллар билан далиллашга, уларнинг таъсир кучини оширишга интилади. Адиб ҳаётда билимли бўлишга ундайди. Инсон доно бўлиб дунёга келмайди. Ҳаёти давомида ўқиб, ўрганиб доно бўлади. Билим инсонни яхшилик сари етаклайди. Қуйидаги мисраларда ҳам шу ғоялар ўз аксини топган:

*Tuğa bilgä tuğmaz kişi ögränür*

*Bu söz sözlämäz, til turu sözlänür*

*Kişi ögränip ötrü bilgä bolur*

*Bilig bilsä ötrü qamuğ iş unur* (6, 606).

Мазмуни:

Туғилишдан доно туғилмайди, киши (сўнг) ўрганади,

Сўз сўзламайдиган бу тил яратилиб, (вақти етгач) сўзлайди.

Киши ўрганиб, сўнг доно бўлади,

Билим билса, сўнг ҳамма иш унади.

Юқоридаги тўртлик рус тилига С. Иванов томонидан муваффақият билан амалга оширилган бўлиб, унда мос қофияларнинг танлангани таржимоннинг маҳоратидан далолат беради:

*Никто еще не был рожден мудрецом, И разум и слово приходят потом.*

*Изучишь дела — станешь в них знатоком, Кто знанья достиг, тот и с делом знаком!* (7, 285).

Шуни айтиш мумкинки, таржимада мазмун тўлалигича сақланган ҳамда мақол тўлиқ акс эттирилган.

Тўртликнинг охирги икки мисраси халқ мақоли бўлиб, уни инглиз тилига Р. Данкоф қуйидагича таржима қилган:

*Though man is born dumb.*

*He learns to speak as he grows to size.*

*Though man is born ignorant.*

*He can also learn to be wise (1, 171).*

Таржимада *Сўз сўзламайдиган бу тил яратилиб, (вақти етгач) сўзлайди* мисралари биринчи планда берилган. Тўртликнинг илк мисраси яъни *Тугилишдан доно тугилмайди, киши (сўнг) ўрганади* инглиз тилида кейинги мисраларда ўз аксини топган. Таржима жараёнида тўртликнинг илк икки мисрасига урғу қаратилган. Тўртликдан жой олган халқ мақоли *Киши ўрганиб, сўнг доно бўлади, Билим билса, сўнг ҳамма иш унади* мақоли тўлалигича ўз аксини топмаган.

Мақолнинг таржима қилинаётган тилдаги муқобилини топиш ҳар доим ҳам амалга ошавермайди. Бу ҳақида профессор Ғ. Саломов қуйидаги фикрларни билдиради: “Шундай фразеологик бирликлар, иборалар, мақоллар борки, уларни чет тилларига таржима қилишнинг имкони йўқ”(2, 239). Мақолнинг бошқа тилларда эквиваленти бўлмаслиги мумкин. Лекин бу контекстда мақолларни таржима қилмасдан четлаб ўтиш дегани эмас. Матн мазмунидан келиб чиқиб, таржимани амалга оширса бўлади. Таржимада йўл қўйилган кичик хатолар асарнинг асосий ғоясини етказиб бермайди.

Мана бу мақол таржимаси маҳорат билан бажарилган. “Кунтуғди Элиг Ойтўлдига адл сифатлари қандай эканлигини айтиши” бобида Элиг Ойтўлдига шундай дейди:

*Ўрўн сўт биле кирсе, едгў қилиқ,*

*Өлүм тутмағинча евүрмәз жоріқ (6, 184).*

Мазмуни:

'Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,

Ўлим келиб тутмагунча ўз тарзини ўзгартирмайди'.

Мана бу таржима эса С. Иванов томонидан амалга оширилган:

*Кто доброе в детстве всосал с молоком,*

*До смерти он только к добру и влеком (4, 94).*

Мақолнинг иккинчи қисми *Ўлим келиб тутмагунча ўз тарзини ўзгартирмайди* рус тилига *До смерти он только к добру и влеком* тарзида берилган. Бунда таржимон мақолни назмий йўлда таржима қилган. Қолаверса, *молоком* ҳамда *влеком* сўзлари мақолда ўзига хос қофияни таъминлаган.

“Қутадғу билиг”нинг академик Ғ. Абдурахмонов бошчилигидаги гуруҳ томонидан, С. Ивановдан фарқли равишда рус тилига қуйидагича таржима қилинган:

*[Если] добрый характер сложился (букв. вошел) от белого молока, до смерти не изменится его образ жизни (7, 219).*

Бу иккила таржима ҳам ўзига хосликка эга. С. Ивановнинг таржимаси мақол мазмунини қамраб олган назмий таржимадир. Иккинчи таржима ҳам мақол мазмунини ўзида бера олган, фақат шеърий эмас, насрий таржима амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Аслиятдаги *оқ сут* айнан *она суги* назарда тутилган. Мақолдаги *Ürüñ süit* нинг С. Иванов томонидан рус тилига *молоко* деб таржима қилинган. Ғ. Абдурахмонов бошчилигидаги гуруҳ томонидан амалга оширилган таржимада эса *белый молоко* тарзида берилган. Мақол сўзма-сўз таржима қилинган бўлиб, унда *она суги* назарда тутилганлиги эътибордан биров четда қолган.

Маълумки, қадимги тош битигларда ҳам отларга сифат берилган. Масалан: *кўк осмон, қўнғир ер* каби сифатловчи-аниқловчилар кенг қўлланган (3, 230).

Инглиз тилида эса бу юқоридаги таржималардаги каби *оқ сут* тарзида эмас, айнан *она суги (mother's milk)* тарзида берилган. Таржиманинг маромига етказиб амалга оширилгани мақолнинг мазмунини тўлиқ қамраб олган:

*If good character enters a man with his mother's milk,  
It does not depart until death takes hold (7, 68).*

Мақол таржимаси аслиятдаги мазмунни тўлиқ қамраб олган. Бу мақол ҳозирги тилимизда ҳам ўз ифодасини сақлаган ҳолда *Сут билан кирган жон билан чиқар* тарзида қўлланмоқда. Бунда биз *Яхши қилиқ яъни феъл-атвор инсонга она суги билан кирса, ўлим келмагунча уни тарк этмайди* тарзида тушунамиз. Бу мазмун инглиз тилига муваффақият билан амалга оширилган. Р. Данкоф нафақат моҳир таржимон, қолаверса, шоир ҳам. Таржима жараёнида асарни ҳамма учун тушунарли, равон бўлишини таъминлай олган. Чунки назм йўлидаги асарларнинг мазмунини тўлиқ сақлаган ҳолда бериш анчайин мураккаб вазифа. Шундай экан, баъзан сўзма-сўз таржима эмас, асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, асарнинг асосий ғоясини ўзида акс эттирган таржималаргина муваффақиятли чиқади.

Таржима жараёнида фразеологик бирликлар, ибораларни, мақолларни таржима қилиш бирмунча қийинчилик туғдиради. Гап “Қутадғу билиг” достонидаги мақоллар таржимаси хусусида кетар экан, улар асарнинг ўзига хос стиликтик вазифани бажариши билан ҳам қимматлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин. Таржима санъати таржимондан ҳар иккала тилни ҳам мукаммал билишни тақазо этади. Кўриниб турибдики, асардаги мақоллар С. Иванов ҳамда Р. Данкоф томонидан турли усуллар орқали таржима қилинган бўлса-да, китобхонга асар мазмунини тўлиқроқ етказишга ҳаракат қилганлар. Қолаверса, таржима қилинаётган асар ғоясини, мазмунини яхши билиш ва сўзларни тўғри ва ўринли қўллай олиш таржима қилинган тилда яна бир асарнинг бойишига туртки бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Dankoff R. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, University of Chicago Press, 1983. –281 p.
2. Саломов Ғ. Тил ва таржима. –Т.: Фан, 1966.–389-б.
3. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. – Т., 2009. – 369 б.
4. Иванов С. Н. Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. – М.: Наука, 1983. – 556 с.
5. Федоров А. В. Введение в теорию перевода. – М., 1958. –374 с.
6. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. – Т.: Фан, 1971. –971 б.
7. Yusuf Xos Hojib. Qutadgu bilig. Ilmiy-tanqidiy matn. –Т.: Jahon print, 2011. III Jilt. –256 b.